

## “Шухрат” Ордени Тўлиқ Нишондори Тлеумурат Утемуратов

Даврон Ендирабоевич<sup>1</sup>

**Аннотация:** Ушбу мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқининг уруш фронтларидаги қаҳрамонлик намуналари ҳақида, айнан қоракалпок йигити —Шухрат|| (—Слава!) орденининг тўлиқ нишондори Тлеумурат Утемуратов ҳақида сўз юритилади. 5-армия 97-ўқчи дивизияси 136-ўқчи полки сапёри Тлеумурат Утемуратовнинг 3-Белоруссия фронти жангчилари таркибида кўрсатган жасорати тўғрисида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** ўқчи полки, —Багратион|| операцияси, —Шухрат|| ордени, ҳарбий техника, ўқдорилар, ҳаракатдаги армия.



Инсоният тарихидаги энг қонли ва мудҳиши бўлмиш Иккинчи жаҳон урушида ўша замонда дунёнинг мустақил 73 та давлатининг 62 таси иштирок этган. Уруш ер шари аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган. Жанговар ҳаракатлар 40 та давлат, уч китъя ва тўрт океан худудида олиб борилган. 110 миллион аскар иштирок этган бу урушда, тахминий хисоб-китобларга кўра 70 миллионга яқин инсон ҳалок бўлган.

Ҳар қандай уруш ва қирғинбаротларнинг манфур мақсади ва мағкуралари бор. Фашизм —олий табака инсон||лар жамиятини яратиш учун ўзидан бошқа миллат, ирқ ва тоифадаги инсонларни кул сифатида —олий ирқ|| манфаатлари учун хизмат қилдиришига қаратилган ёвуз ва вайронкор гояга суянган. Умуминсоният цивилизацияси ва тараққиётини факат бир ҳовуч

—сарапланган|| одамлар манфаатига бўйсундиришни кўзда тутган.

Бу ёвуз гоянинг тантанаси ер юзидағи барча халқларнинг Аллоҳ берган улуғ неъмат — яшаш ҳуқуки ва яратиш ҳақ-хуқуқларини поймол этишга асосланган эди. Шу боис барча тараққийпарвар кучлар ўз эрки, озодлиги, мустақиллиги ва адолат тантанаси учун курашга отланганлар.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб хисса қўшиди. Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, чексиз ғурур-ифтихор манбаидир.

9 май - Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида Қарорда давлатимиз раҳбари: - —Бугун дунёда миллионлаб инсонларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган, мислсиз ўқотишлилар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши башарият тарихидаги энг даҳшатли, қонли қирғин бўлганини, орадан қанча йиллар ўтса-да, эзгу ниятили дунё ахли ҳеч қачон унутмайди. Жанг майдонларида фашизмга карши мардана курашган 2 миллионга яқин ўзбекистонликларнинг 500 мингдан зиёди ҳалок бўлганини ҳалқимиз асло ёдидан чиқармайди.

Кўпмиллатли тинчликсевар Ўзбекистон халқи учун фашизм устидан ғалаба қозонилган 9 май санаси аввало Хотира ва қадрлаш куни сифатида азиз ва мўътабардир. Биз учун хотира инсоннинг инсонлигини англатадиган тушунча, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турадиган буюк руҳий-маънавий кудратдир. Эл-юрт тинчлиги ва озодлиги учун курашган мард ва жасур инсонлар хотирасини ёд этиш орқали биз Ватан учун жонини фидо этган қаҳрамон ота-боболаримизнинг номларини шарафлаш, уларга юксак ҳурмат кўрсатишни тушунамиз|| – деб таъкидлаган эди.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, вақт ўтгани сайн бу ўлмас умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Шунинг учун ҳар йили 9 май — Ғалаба байрами мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жангларда марданавор курашган ота-боболаримизга хамда фронт ортида жонбозлик кўрсатган меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш юртимизда олижаноб анъанага айланди.

Инсон хотира билан тирик, қадри билан улуғ. Осмонимизнинг мусаффолиги, эл-юрт тинчлиги йўлида фашизмга қарши курашиб, ватанига, ҳалқига, ҳарбий қасамёдига содик қолиб мардлик намуналарини кўрсатган Ватан фидойиларининг хотиralарини ёд этиб, эзгу ишларни давом эттириш ҳалқимизга оид фазилатдир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 май - Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида 2022 йил 22 апрелдаги №ПҚ-229 сонли қароридан.

Мард ва жасур ота-боболаримиз дунёдаги эзгу ниятли халқлар қаторида бу мудхиш урушда чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Уларнинг сўнмас жасорати биз учун мардлар мактаби, ғуур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда ва шундай бўлиб қолади.

Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи бутун тарақкийпарвар инсоният қатори Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, чексиз ғуур-ифтихор манбаидир. Дарҳакиқат, вакт ўтгани сайин бу

ўлмас умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун хар йили 9 май — Ғалаба байрами мамлакатимида Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланади. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чукур ҳурмат бажо келтирилиб, фашизмга қарши жангларда мардонавор курашган ота-боболаримизга ҳамда фронт ортида жонбозлик кўрсатган меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш юртимизда олижаноб анъянага айланди.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрсатган матонати ва жасорати учун 301 нафар ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони увонига сазовор бўлган, 70 нафар ватандошларимиз эса —Шуҳрат|| орденининг учала даражаси билан тақдирланган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир миллионга яқин жангчилар III -даражали —Шуҳрат|| ордени билан, 46 мингдан ортиқ киши II-даражали ва 2678 киши эса I-даражали —Шуҳрат|| ордени билан билан тақдирланган. 3671 киши —Шуҳрат|| орденининг учала даражаси билан мукофотланган, иттифоқ даврида улар Совет Иттифоқи Қаҳрамони увонига тенглаштирилган.

—Шуҳрат|| ордени — СССР даврининг ҳарбий ордени бўлиб, СССР Олий Кенгашининг 1943 йил 8 ноябрдаги Қарори билан таъсис этилган. Ушбу орден I, II, III даражали бўлиб, у билан Қизил Армиянинг оддий аскар, сержант ва старшиналари тақдирланган.

Бугунги мунозара Иккинчи жаҳон урушининг яна бир иштирокчisi, —Шуҳрат|| орденининг тўлиқ нишондори корақалпоғистонлик жангчи Тлеумурат Утемуратов ҳақидадир.

Тлеумурат Утемуратов 1925 йил Қоракалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида дехқон оиласида туғулган. Мактабни еттинчи синфини тугатиб колхозда ишлаган. 1943 йил марта Тахтакўпир туман ҳарбий комиссариати томонидан Қизил Армияга чақирилган.

Тлеумурат Утемуратов 1943 йил октябр ойидан Ғарбий фронт кўшинлари таркибида жанговар ҳаракатларда иштирок этган. 1943 йилнинг декабр ойида оғир ярадор бўлди ва госпиталда узоқ даволанди.<sup>3</sup>

1944 йилнинг ёзида госпиталдан даволаниб чикиб Тлеумурат Утемуратов 3-Белоруссия фронти 5-армияси 97-ўқчи дивизияси 136-ўқчи полки таркибида сапёрга лавозимига юборилди.

1944 йилнинг 23 июнида Иккинчи жаҳон урушининг энг йирик стратегик операцияларидан бири ҳисобланган Белоруссияни немис-фашист босқинчиларидан тозалаш бўйича олиб борилган —Багратион|| операцияси бошланди.

Багратион операцияси шунака пухта тайёrlab ўтказилди, унда асосий эътибор ҳаво разведкасига, кўшин разведкасига ва радиоразведкага қаратилди. Кўшинни кўчириш ва уни жамлаш фақат тунда олиб борилди. Ҳарбий обьектлар синчковлик билан ниқбланди<sup>3</sup>.

Ушбу тарихий стратегик операцияда 3-Белоруссия фронти 5-армияси 97-ўқчи дивизияси 136-ўқчи полкининг ҳам ҳиссаси алоҳида ва бекиёсdir. 1944 йил 22 июнда оддий аскар Тлеумурат Утемуратов 136-ўқчи полки таркибида Белоруссиянинг Суходровка дарёсини кечиб ўтишда эгалланган плацдармларга жонли кучлар ва артиллериyия ўтказиш учун штурмчи ва транспорт кўприкларини куришда иштирок этди.

Тлеумурат Утемуратов 1944 йил 28 июнда Лепель шаҳрининг жануби-ғарбida Березина дарёсини кечиб ўтишда бўлинмаси сапёrlари билан биргаликда учта солларни тайёrlади ва улар ёрдамида батальон ўқчиларини сув тўсигидан ўтказди.<sup>4</sup>

Хужумкор операциялар давомида душман томонидан миналаштирилган худудда 78 та миналарни заарсизлантириб иккита ўтиш йўлакларини барпо қилди, кейин дарёнинг кечув жойидан 30 та минани заарсизлантириди ва кечувни таъминлади. Матонати, жасорати ва шиҷоати учун 97-ўқчи дивизияси командиригининг буйруғи билан 1944 йилнинг 13 сентябрида III-даражали —Шуҳрат|| ордени билан тақдирланди. Шу йилнинг август ойида жанглардаги қаҳрамонона иштироқи учун —Жасурлиги учун|| медали билан тақдирланди.

Тлеумурат Утемуратов 1945 йил бошида Иккинчи жаҳон уруши фронтларидағи фаол иштироқи, ботирлиги, чаққонлиги ва юксак маҳорати учун 277 - ўқчи дивизияси 850-ўқчи полкининг полк разведкачилари таркибиға киритилди.

<sup>3</sup> —Ғалаба боғи|| фалсафаси, 2021 й. 15

<sup>4</sup> 3 К.К.Рокоссовский. Аскарлик бурчи. Москва. ҲН. 1984 й. 254 бет.

**Утемуратов Тлеумурат**  
Орден Славы III степени

**Наградной документ**  
Дата рождения: \_\_\_/\_\_\_/1925  
Место призыва: Тахта-Купырский РВК, Узбекская ССР, Карагандинская АССР, Тахта-Купырский р-н  
Дата поступления на службу: 26.03.1943  
Воинское звание: красноармеец  
Воинская часть: [850 сп 277 сд](#)  
Даты подвига: 30.01.1945, 07.02.1945  
Наименование награды: Орден Славы III степени

**Приказ подразделения**  
№: 22/и от: 26.02.1945  
Издан: 277 сд  
[Информация об архиве+](#)

**Утемуратов Тлеумурат**  
Медаль «За отвагу»

**Наградной документ**  
Дата рождения: \_\_\_/\_\_\_/1925  
Место призыва: Тахта-Купырский РВК, Узбекская ССР, Карагандинская АССР, Тахта-Купырский р-н  
Дата поступления на службу: \_\_\_/\_\_\_/1943  
Воинское звание: красноармеец  
Наименование награды: Медаль «За отвагу»

**Приказ подразделения**  
№: 23/и от: 06.08.1944  
Издан: 136 сп 97 сд 3 Белорусского фронта  
[Информация об архиве+](#)

Тлеумурат Утемуратов Шарқий Пруссия операциясида яна бир ўз жасорати ва матонатини намойиш қилди. 1945 йил 30 январда Тлеумурат Утемуратов Альменхаузен ва Ной Вальдек (хозирги Калининград вилояти) аҳоли пунктларида душман карши хужумини қайтаришда 10 фашистни кириб ташлади, шундан кейин биринчи бўлиб аҳоли пунктига бостириб кирди, етти

фашистни ўйқ килди ва йирик калибрли пулемётни кўлга киритди. 1945 йил 7 февралда Тлеумурат Утемуратов Шарқий Пруссиядаги Каверн хутори яқинидаги душман билан кўл жангига киришиб кетди ва 4 фашистни ер тишлатди.

Тлеумурат Утемуратов 1945 йилнинг 26 феврал кунида 277-ўқчи дивизия командирининг буйруғи билан III-даражали —Шуҳрат ордени билан (ушбу орденнинг учинчи даражаси билан иккинчи марта) тақдирланди.

1945 йилнинг 16 марта Калининград вилояти Ладушкин шаҳри жануби-шарқидаги Прауссен қишлоғи биноларининг бирига биринчи бўлиб бостириб кирди, 10 нафар фашистни яксон қилди ва иккитасини асирга олди. Ўзининг мардонавор харакатлари билан бўлинма пиёда аскарларининг олға харакатланишларига имкон яратиб берди.

Тлеумурат Утемуратов 1945 йилнинг 8-16 апрел кунлари ҳозирги Болтиқ денгизининг жануби-шарқий кирғоқбўйида Земландия ярим ороли худудида разведка операциясини ўтказишида фаол иштирок этади ва душманинг

**Утемуратов Тлеумурат**  
Орден Славы II степени

**Наградной документ**  
Дата рождения: \_\_\_/\_\_\_/1925  
Место призыва: Тартакурский РВК, Карагандинская АССР, Тартакурский р-н  
Дата поступления на службу: 26.03.1943  
Воинское звание: ст. сержант  
Воинская часть: [850 сп 277 сд 72 ск](#)  
Даты подвига: 16.03.1945, 08.04.1945-16.04.1945  
Наименование награды: Орден Славы II степени

**Приказ подразделения**  
№: 55/и от: 26.04.1945  
Издан: ВС СА  
[Информация об архиве+](#)

**Утемуратов Тлеумурат**  
Медаль «За взятие Кенингсберга»

**Наградной документ**  
Дата рождения: \_\_\_/\_\_\_/1925  
Воинское звание: ст. сержант|красноармеец  
Кто наградил: Президиум ВС СССР  
Наименование награды: Медаль «За взятие Кенингсберга»

**Документ**  
№: 09.06.1945  
[Информация об архиве+](#)

**Утемуратов Тлеумурат**  
Медаль «За победу над Германией в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг.»

**Наградной документ**  
Дата рождения: \_\_\_/\_\_\_/1925  
Воинское звание: ст. сержант|красноармеец  
Кто наградил: Президиум ВС СССР  
Наименование награды: Медаль «За победу над Германией в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг.»

**Документ**  
№: 09.05.1945  
[Информация об архиве+](#)

7 аскари ва 1 офицерини асир олади. Ушбу жасорати учун Тлеумурат 5-армия қўмондонининг 1945 йил 26 апрелдаги буйруги билан II-даражали —Шуҳрат|| ордени билан тақдирланади. Шунингдек —Кинегсбергни ишғол қўлганлиги|| ҳамда —1941-1945 йилларда Улуғ Ватан Урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун|| медаллари билан мукофотланган.

1945 йилнинг 8 майидан 9 майига ўтар кечаси Германия фашизми ўз мағлубиятини тан олган ҳолда капитуляция актига имзо чекди. Совет-герман фронтида жанговар ҳаракатлар Қизил Армиянинг буюк Ғалабаси билан тугади. Ғалабадан кейин кўпгина аскарлар ўз уйларига қайтарилди.

Халқ тинчлик даври вазифаларини ҳал этишга киришиши мумкин эди. Лекин Узок Шарқда ва Тинч океанида ҳали ҳам уруш алангаси ёниб турар эди. Тезлик билан бу алангани ўчириш ва инсоният учун узок кутилган тинчликни таъминлаш талаб қилинади.

Ўзининг иттифоқчилик мажбуриятларини бажариб, Иккинчи жаҳон урушини тезроқ тугатиш ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳалқларини уруш азоб-уқубатларидан қутқариш ҳамда Узок Шарқ чегараларида хавфсизликни таъминлаш учун, Совет Иттифоки Япония милитаристларига қарши урушга кирди.

Урушга киришишдан олдин Европа ҳарбий-ҳаракатлар майдонларидан Узок Шарққа қўшин, ҳарбий техника, ўқдорилар, озиқ-овқатлар ва керакли бўлган барча воситалар кўчириб келтирилди. Узок Шарқ чегаралари бўйидаги мавжуд бирлашмалар негизида 1- ва 2- Узок Шарқ фронтлари ва Монголия худудида Байколорти (Забайкале) фронтлари ташкил қилинди.

1945 йил 8 августда Совет ҳукумати - ўзини Япония билан уруш ҳолатида деб эълон қилди ва 9 августга ўтар кечаси совет қўшинларининг ҳужуми бошланди.

Пухта тайёрланиб тезкорлик билан ўтказилган ҳужумкор операция давомида Манжуриядаги японларнинг Квантун армияси тор-мор этилди.

1945 йил 2-сентябрда Япон денгизида, Америка ҳарбий кемасида Япония қўмондонлиги мағлубиятини тан олиб капитуляция актига имзо чекди. Шу тариқа фашистлар Германияси томонидан ёндирилган ва 70 миллионга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган Иккинчи жаҳон уруши аланганси сўндирилди<sup>4</sup>.



Тлеумурат Утемуратов ўз полки таркибида Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги стратегик операцияси ҳисобланган Манжурия операциясида иштирок этиш учун Узок Шарққа юборилди. Япон милитаристларига қарши олиб борилган қисқа, лекин шиддатли жанговар операцияларда иштирок этди. Япон босқинчиларига қарши матонатли кураши учун СССР Олий Президиумининг 1945 йил 30 сентябрдаги Қарори билан Тлеумурат Утемуратов —Япония устидан қозонилган ғалаба учун|| медали билан тақдирланди.<sup>5</sup>

1950 йилда катта сержант Утемуратов армиядан бўшатилди ва қадрдан уйига соғ-саломат қайтиб келди. У Қорақалпогистон Республикаси Қораузак туманидаги —Москва|| колхозида яшади. Нафақага чиққунгача меҳнат қилди.

Мақола бошида айтиб ўтилганидек катта сержант Утемуратов икки марта —Шуҳрат|| орденининг III -даражаси билан тақдирланган. Уруш йилларида тақдирлаш тизимида бундай камчиликларнинг учраб туриши табиий албатта. Масалан, —Шуҳрат|| орденининг тўлиқ нишондорлари орасида 86 киши ушбу орден билан тўрт марта

<sup>5</sup> Онлайн дарслик. Тошкент. 2021 й. II-боб. IV-машғулот

тақдирланган, икки киши эса беш марта. Бир киши эса —Шухрат|| орденининг учинчи даражаси билан икки марта, иккинчи даражаси

билан икки марта, биринчи даражаси билан бир марта тақдирланган.

Бир киши эса —Шухрат|| орденининг иккинчи даражаси билан уч марта тақдирланган. Аммо ушбу орденининг биринчи даражаси билан тақдирланмаганлар —Шухрат|| орденининг тўлиқ нишондори ҳисобланмаган. Кўпинчи бу ҳолат урушдан кейинги йилларда қайта тақдирлаш билан ҳал қилинган.



**Утемуратов Тлеумурат**  
Орден Отечественной войны I степени

Документ в юбилейной картотеке  
Дата рождения: \_\_\_.1925  
Место рождения: Узбекская ССР, Карабалгаская АССР, Карабалгаский р-н  
Наименование награды: Орден Отечественной войны I степени  
Номер документа: 88  
Дата документа: 06.04.1985  
Автор документа: Министр обороны СССР  
[Информация об архиве +](#)

Бизнинг қаҳрамонимизни ҳам тақдирлинишида йўл қўйилган камчилик 1982 йил 22 январда тўғриланди, унга —Шухрат|| орденининг I-даражаси тантанали топширилди ва —Шухрат|| орденининг тўлиқ нишондорига айланди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жасорати ҳисобга олиниб Тлеумурат 1985 йилда СССР Мудофаа вазирининг буйруғи билан II – даражали —Ватан уруши|| ордени билан тақдирланди.

Қорақалпоқ элининг асл фарзанди Тлеумурат Утемуратовнинг уруш даврида жасорати, матонати довюраклиги ҳозирги пайтда нафакат қорақалпоқ ёшлари, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун ўrnak бўлиб хизмат қиласди.

2005 йилнинг 16 октябрида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, —Шухрат|| орденининг тўлиқ нишондори Тлеумурат Утемуратов 80 ёшидан оламдан ўтди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қорақалпоқда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишлиб музей ташкил этилди. 23.04.2020//www.xogazm.uz
2. Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. Тошкент: —AKADEMNASHR||, 2017. –Б.11.
3. Ўзбекистоннинг уруш гирдобига тортилиши//www.e-tarix.uz
4. Каранг: Хоразм тарихи. 2-жилд. Урганч, 1996.
5. Ватаннинг чакириғига жавоб. Тошкент: Ўздавнашр, 1944. –Б.35.
6. Қорақалпоқ хақиқати 19 сентябрь 1942 йил № 217 (4225)